

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

«ОБОД ҚИШЛОҚ» ДАСТУРИ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизнинг бой ва қадимий тарихидан маълумки, аجدодларимиз томонидан маҳаллаларни ободонлаштириш ва бунёдкорлик ишларини амалга ошириш энг бебаҳо қадрият ва анъаналардан ҳисобланади. Мазкур қадриятларимизни изчил давом эттирган ҳолда кенг қўламли бунёдкорлик ишларини барча ҳудудларда амалга ошириш орқали қишлоқ аҳолиси учун муносиб шароитлар яратиш ва уларнинг турмуш маданиятини янада юксалтириш, энг асосийси, ёшларни хайрли ишларга даъват этиш алоҳида аҳамият касб этади.

Ҳар ким ўзи яшайдиган уй, маҳалла ва қишлоқни ободонлаштиришда ҳиссасини қўша, юртимиз обод бўлади, обод юрtdа яшайдиган одамлар кайфияти яхши бўлиши таъминланади.

Шу билан биргаликда, мамлакатимиз аҳолисининг 49 фоизи яшайдиган қишлоқ жойларда салмоқли демографик, меҳнат ва иқтисодий салоҳият жамланишига қарама-қарши, улар учун зарурий шароитлар яратиб берилмаган, турмуш даражаси ва сифатини оширишга етарлича эътибор қаратилмаган. Жумладан, сўнгги йилларда пахта, галла ва бошқа қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини етиштиришда ҳиссаси юқори бўлган деҳқон-фермерларнинг ва бошқа тоифадаги аҳолининг ҳаётий-маиший эҳтиёжлари тўлиқ таъминланмаган.

Бундай ҳолат қишлоқ аҳоли пунктларини тубдан қайта янгилашдан ва уни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришдан, мамлакатимизни замонавий ривожланган давлатга айлантиришга тўсиқ бўлмоқда. Хусусан, ҳудудларга таширфлар жараёнида жойлардаги ҳақиқий аҳоли билан танишиш, бевосита маҳалла ва хонадонларга кириб бориш ҳамда аҳоли билан мулоқот натижалари қўйидаги тизимли муаммолар мавжудлигини кўрсатмоқда.

Биринчидан, маҳаллий ҳокимликлар, "Давархитект-қурилиш" қўмитасининг ҳудудий органлари ва хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари томонидан шаҳарсозлик меъёр ва қоидаларига амал қилмаган ҳолда, биноиншоотлар ва уй-жойларни тартибсиз ва ўзбошимчалик билан қуриш ҳолатларига чек қўйилмапти. Қурилиш ишларининг қишлоқ ва маҳалла даражасида комплекс ёндашувлар асосида олиб бориладиган оқибатда қишлоқ аҳоли пунктларининг меъморий қиёфаси эскича кўринишда қолмоқда.

Иккинчидан, Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, "Ўзбекэнерго" АЖ ва "Ўзтрансгаз" АЖнинг қуйи тизим корхоналари томонидан қишлоқ аҳоли пунктларида ичимлик суви, газ ва электр тармоқлари, трансформатор пунктларини эксплуатация қилиш қоникарсиз ахволда олиб борилиши оқибатида зарур инфратузилмалар эскирган ва яроқсиз ахволга келиб қолган.

Учинчидан, шаҳарсозлик меъёр ва қоидалари ҳудудларнинг ўзига хос хусусиятларига мослаштирилмаганлиги оқибатида қишлоқ аҳоли пунктларининг меъморий қиёфасини яхшилаш, хусусан, мазкур ҳудудларда автомобиль йўллари ва йўл бўйи инфратузилмаси барпо этиш, ободонлаштириш, қўламазорлаштириш ва ирригация тизимларини барпо этиш тартибсиз равишда олиб бориладиган.

Тўртинчидан, маҳаллий бюджетлар ва тармоқ ташкилотлари томонидан қишлоқ аҳоли пунктларида бунёд-

корлик ва ободонлаштириш ишларини комплекс тарзда амалга ошириш учун молиялаштириш тизими йўлга қўйилмаган.

Бешинчидан, энг ачинарлиси шўқи, аҳолининг айрим қисмлари шу ахволга кўниккан, боқимандалик кайфиятига берилиб кетганлиги оқибатида ўзининг уй-жойлари, ҳовлиси ва томорқасини сақлашга эътибор қаратмай қўйган. Халқимизнинг "Қуш инида кўрганини қилад" деган нақлини эсдан чиқариб, ўз оstonасини осойишта ва саранжом қилмаслик фарзандларимиз ва навараларимиз тарбиясига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Олтинчидан, ободонлаштириш ишларига фаоллар, кенг жамоатчилик ва фуқароларни жалб қилишга етарлича эътибор қаратилмапти ва аниқ бир тизимли самарали ишлар олиб бориладиган. Айниқса, мазкур ишлар сектор раҳбарлари, маҳалла фуқаролар йиғинлари, хотин-қизлар қўмиталари ва Ёшлар иттифоқининг ҳудудий бўғинлари эътиборидан четда қолган ва бу борада қатъий ташаббускорлик ва мувофиқлаштириш етишмапти.

Еттинчидан, ҳудудларда анъанавий бўлиб қолган хашарларни фақатгина "ҳўжақўрсин" учун байрам қилнарга яқин саналарда юзаки ўтказиш одат тўсига кирган.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, қишлоқ аҳоли пунктларининг меъморий қиёфасини тубдан янгилаш, йўл-транспорт, муҳандислик-коммуникация инфратузилмаси ҳамда ижтимоий соҳа объектларини барпо этиш ва шу асосда аҳолининг турмуш маданиятини юксалтириш ва дунёқарашини кенгайтириш мақсадида:

1. Белгилаб қўйилсинки, жорий йилнинг 1 апрелидан бошлаб республиканинг ҳар бир тумани ва шаҳарига, авваломбор, олис ва табиий иқлим шароити оғир ҳудудларда 2018 йилда 2 тадан ва келгуси йилларда 3 тадан қишлоқ (маҳалла)да аҳолининг яшаш шароитларини тубдан яхшилаш, турмуш тарзи ва даражасида сезиларли ижобий ўзгаришларни таъминлашга, мазкур қишлоқ (маҳалла)ларнинг қиёфасини замонавийлаштиришга ва унда истиқомат қилувчилар учун иш ўринларини яратишга қаратилган "Обод қишлоқ" дастури (кейинги ўринларда дастур деб аталади) амалга ошириладиган.

2. Қўйидагилар дастурининг устувор мақсадлари ва ҳаражатларнинг асосий манбалари эътиб белгилансин: **Биринчидан**, республика бюджет ва давлат мақсадли жамғармаларидан ажратиладиган маблағлар ҳисобига аҳолини ишончли тарзда ичимлик суви билан таъминлаш, сизот сувлар сатҳини пасайтириш, қишлоқларни туман маркази билан боғлайдиган йўллари қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш, шунингдек, лизинг асосида қишлоқ ва туман маркази орасида автобус қатновини йўлга қўйиш;

Иккинчидан, маҳаллий бюджетлар маблағлари ҳисобидан қишлоқ ички йўллари ва пиёдалар йўлакларини барпо этиш ва таъмирлаш, йўл бўйларини ободонлаштириш ва қўламазорлаштириш, санитария иншоотлари ва ирригация тизимларини барпо этиш, транспорт тўхташ бекатларини қуриш;

Учинчидан, халқаро молия институтларининг кредитлари ҳамда корхоналарнинг ўз маблағлари ҳисобига электр таъминотини яхшилаш, алоқа тизимини модер-

низация қилиш, аҳолига суюлтирилган газ ва кўмир ёқилгисини узлуксиз етказиб бериш;

Тўртинчидан, ижтимоий аҳамиятга эга бўлган хизматларни тубдан яхшилашга эътибор қаратиш, бунда боғча, мактаб ва оилавий поликлиникаларни қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш ишларини амалга ошириш ҳамда тегишли ҳаражатларнинг ярмини республика бюджет ва мақсадли жамғармалар ҳамда қолган қисмини маҳаллий бюджет ва маҳаллий ҳомийлар ҳисобидан молиялаштириш;

Бешинчидан, бозор инфратузилмаси объектларини ва сервис шохобчаларини, жумладан, ҳаммом ва кичик бозор шохобчаларини тадбиркорларнинг ўз маблағлари, тижорат банкларининг кредитлари ва халқаро молия институтларининг кредитлари ҳисобидан барпо этиш;

Олтинчидан, уй-жойларни таъмирлашда хонадон эгаларига амалий ёрдам кўрсатиш, авваломбор, қурилиш материаллари билан марказлашган ҳолда таъминлаш, бу жараёнда кенг миқёсда хашар усулларини қўллаш ҳисобига ҳовли ва атроф ҳудудларни ободонлаштириш, ариқларни тозалаш, оқова сув хандақларини барпо этиш ҳамда муҳтож оилалар учун ҳомийлар ва иш берувчи корхоналар маблағлари ҳисобидан уй қуриб бериш (таъмирлаш) ва бошқалар.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари ҳузурида "Обод қишлоқ" жамғармалари тузилсин.

Иқтисодиёт вазирлиги Инвестиция бўйича давлат қўмитаси ва Молия вазирлиги билан биргаликда ўн кун муддатда "Обод қишлоқ" жамғармаси маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги Вазирлар Маҳкамасининг қарори лойиҳасини тайёрлаб, тасдиқлаш учун киритсин.

Қўйидагилар "Обод қишлоқ" дастурида белгиланган тадбирларни молиялаштириш манбалари эътиб белгилансин:

республика бюджет ва мақсадли жамғармалар маблағлари;
маҳаллий бюджет ва унинг қўшимча маблағлари;
тармоқ корхоналарининг маблағлари;
халқаро молия институтлари ва хорижий давлатларнинг грант маблағлари;

"Маҳалла" жамғармасининг ва бошқа ташкилотларнинг ҳомийлик хайриялари;
ташаббускор тадбиркорлар маблағлари;
хашарлар ва хайрия тадбирларини ўтказиш ҳисобидан тушадиган маблағлар;

Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузуридаги Жамоат ишлари жамғармаси маблағлари;
қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ўзбекистон Республикасининг ҳар йиллик Давлат бюджети, шу жумладан, маҳаллий бюджетлар параметрларини тасдиқлашда "Обод қишлоқ" дастурини амалга ошириш учун зарур миқдорда маблағлар ажратилишини назарда тутсин.

Давоми 2-бетда ➡

Умумий таълим мактаблари ўқувчиларининг "Умид ниҳоллари – 2018" спорт мусобақасининг Тошкент вилояти финал босқичи бўлиб ўтди. Олмалик ва Бек-обод шаҳарларидаги замонавий спорт мажмуалари мезбонлик қилган финал ўйинлари ўқувчилар ўртасида соғлом турмуш тарзи мустаҳкам қарор топаётгани, спорт уларнинг ҳаётий эҳтиёжига айланиб бораётганини намоиш этди.



БУЮК ИШЛАРГА БЕЛ БОҒЛАГАН АВЛОД

"Умид ниҳоллари" мусобақалари давомида катта спортда юқори натижага эришиши мумкин бўлган қатор истеъдод эгалари кашф этилди.

Мамлакатимизда жорий қилинган ва дунёда ўқшаши бўлмаган таълим соҳасидаги уч босқичли тизим – "Умид ниҳоллари", "Баркамол авлод" ва Универсиада мусобақалари халқаро майдонда ёшлар тарбиясининг энг самарали технологияларидан бири сифатида эътироф этилган. "Умид ниҳоллари" орқали ўғил-қизларнинг спортга бўлган иштиёқи ошади, дастлабки кўникмаларни эгаллайди. Илк тоғли ғалабаларга ҳам айнан шу мусобақаларда эришади ва бу келажақда юксак марраларни забт этилишида мустаҳкам пойдевор бўлади.

...Вилоят Халқ таълими, Жисмоний тарбия ва спорт бошқармалари, Ёшлар иттифоқи вилоят кенгаши ҳамкорлигида ташкил этилган "Умид ниҳоллари – 2018" спорт мусобақасининг финал босқичи кўтаринки кайфият ва ҳақиқий байрамона руҳда ўтди.

Давоми 4-бетда ➡

УСТОЗЛАР ЭЪТИРОФИ, ТАЛАБАЛАР ҚУВОНЧИ



Президентимизнинг тегишли қарори асосида ташкил этилган Чирчиқ давлат педагогика институтини янги ўқув биносининг очилиш маросими ҳамда "Азиз ватандошлар, ҳар кунингиз Наврўз бўлсин!" мавзюида байрам тадбири бўлиб ўтди. Кенг жамоатчилик вакиллари, ўқитувчи ва талабалар, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этган ушбу тадбирда вилоят ҳокими ўринбосари Б. Аҳмедов, институт ректори Ф. Мухамедов ва бошқалар Чирчиқ давлат педагогика институтини жамоаси фаолиятига муваффақият тилаб, уни илғор олий таълим муассасасига айлантириш ишида яқин ҳамкор ва елкадош бўлишларини билдирдилар.

Қўшалок тадбир

Тадбир иштирокчилари институт янги ўқув биносига ташкил этилган шароитлар, ўқув хоналари, спорт ва анжуманлар заллари билан танишдилар. Ушбу тадбир Наврўз умумхалқ байрами сайлига улашиб кетди. Сайил майдонида институт факультетлари ҳамда ходимларидан иборат жамоаларнинг "Азиз ватандошлар, ҳар кунингиз Наврўз бўлсин!" номли маърифий тақдироти ўтказилди.

Айни кунда мазкур даргоҳда ўрта аниқ ва табиий фанлар, педагогика, тарих ва

тиллар факультетлари, шунингдек, уларнинг таркибига 6 та кафедра фаолият юритмоқда. Юз нафардан зиёд малакали профессор-ўқитувчилар кундузги ва махсус сиртки бўлимлардаги 1 минг олти юзга яқин талабага билим бермоқдалар.

– Институтимизнинг ташкил этилиши, вилоятимиз йигит-қизлари учун айни муддао бўлди, – дейди мазкур таълим муассасасининг педагогика факультети декани, профессор Шукрулло Мардонов. – Ростини айтиш керак, улар орасида иқтидор-



лилари жуда кўп. Талабаларнинг илмга чанқоқ, ёниб турган кўзларига қараб, тиним билмай ишлагинг, билганларингни ўргатгинг келаверади.

Олти юз ўринга мўлжалланган институт биносининг қурилишига 4 миллиард 833 миллион сўм сарфланди. Бино 893 миллион сўмлик меҳбел ва лаборатория жиҳозлари, 398 миллион сўмлик компьютер жамланмалари билан таъминланди.

– Аввало, биз, ёшларга мана шундай шароит ва имкониятларни яратиб бераёт-

ган Президентимизга катта раҳмат, – дейди Чирчиқ давлат педагогика институтининг 1-босқич талабаси Динара Култанова. – Албатта, бундан жуда хурсандимиз. Билдирилаётган ишонччи ҳар жиҳатдан оқлашга астойдил ҳаракат қиламиз.

Байрам сайли доирасида ўтказилган танловлар ғолибларига Ёшлар иттифоқининг совғалари топширилди.

ИРОДА НОРОБОВА,
"Тошкент ҳақиқати"
муҳбири
Қобилжон ҒОҒУРОВ
олган суратлар

Ўзбекистон Республикаси
Марказий сайлов комиссиясининг
ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНING
СЕНАТИ АЪЗОЛАРИ Б. АСАДОВ ВА
И. КУДРАТОВНИING СЕНАТОРЛИК ВАКОЛАТЛАРИНИ
МУДДАТИДАН ИЛГАРИ ТУГАТИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 февралдаги "Б. З. Асадовни Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирининг биринчи ўринбосари лавозимига тайинлаш тўғрисида"ги 3508-сонли Қарори ҳамда "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенати аъзосининг мақоми тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 4-моддаси, "Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 5-, 9-моддаларига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ботиржон Закирович Асадов Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирининг биринчи ўринбосари лавозимига тайинланганлиги ва Исроил Турсунбаевич Қудратов Халқ депутатлари Сирдарё вилояти Кенгаши депутати ваколати тугатилганлиги муносабати билан уларнинг сенаторлик ваколатлари муддатидан илгари тугатилган деб ҳисоблансин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати ва Халқ депутатлари Тошкент ва Сирдарё вилояти Кенгашларига юборилсин.

3. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг расмий веб-сайтида, шунингдек, бошқа манбаларда эълон қилинсин.

Марказий сайлов комиссияси
раиси **М. АБДУСАЛОМОВ**

Тошкент шаҳри, 2018 йил 27 март

Ўзбекистон Республикаси
Марказий сайлов комиссиясининг
ҚАРОРИ

Р. НАЗАРОВ, Ғ. ИБРАГИМОВ ВА О. ИМИНОВНИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНING
СЕНАТИ АЪЗОЛАРИ ЭЪТИБ РЎЙХАТГА ОЛИШ ТЎҒРИСИДА

"Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 58-, 61-моддаларига ва "Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 5-, 9-моддаларига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Навоий, Тошкент ва Сурхондарё вилоятлари давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутатларининг бўшаб қолган ўринларига Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати аъзолари сайлови бўйича 2018 йил 23-25 март кунлари ўтказилган қўшма мажлислари баённомаларига асосан Раҳматулла Джурбабаевич Назаров, Фуломжон Иномович Ибрагимов ҳамда Одилжон Каримович Иминов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати аъзолари эътиб рўйхатга олинсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатига ҳамда Халқ депутатлари Навоий, Тошкент ва Сурхондарё вилояти Кенгашларига юборилсин.

3. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг расмий веб-сайтида, шунингдек, бошқа манбаларда эълон қилинсин.

Марказий сайлов комиссияси
раиси **М. АБДУСАЛОМОВ**

Тошкент шаҳри, 2018 йил 27 март

Халқ депутатлари вилоят, шаҳар ва туман Кенгашлари депутатларининг қўшма мажлисига доир АХБОРОТ

Чирчиқ шаҳридаги "Кимёгарлар" маданият саройида Халқ депутатлари вилоят, шаҳар ва туман Кенгашлари депутатларининг қўшма мажлиси бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг тегишли қарорига мувофиқ чақирилган қўшма мажлисда вилоят давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутатлари, сенаторлар ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Қўшма мажлисда бўшаб қолган ўринга Тошкент вилоятидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси сайлови ташкил этилди.

Яширин овоз бериш йўли билан ўтказилган сайлов натижаларига кўра, Халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати, вилоят ҳокими Фуломжон Иномович Ибрагимов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолигига сайланди.

Қўшма мажлис ишида Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси котиби С. Қурбанкулов иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

«ОБОД ҚИШЛОҚ» ДАСТУРИ ТЎҒРИСИДА

Бунда, дастур доирасида "Ўзбекэнерго" АЖ, "Ўзтрансгаз" АЖ, "Ўзбектелеком" АҚ, Республика йўл жамғармаси, Автомобиль йўллари давлат қўмитасининг, ташкилот ва корхоналар ўз маблагларининг тегишли мақсадлар учун тўғридан-тўғри молиялаштирилиши белгилаб қўйилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси ва Молия вазирлиги Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда мазкур Фармон билан "Обод қишлоқ" дастурининг белгилаб берилган асосий йўналишларидан келиб чиққан ҳолда, барча ташкилий чора-тадбирлар изчиллиги, лойиҳаларни молиялаштириш манбалари, моддий ресурслар таъминоти билан узвий ва чамбарчас боғланган 2018 йил учун чора-тадбирлар режасини ўн кун муддатда ишлаб чиқиш, ўрнатилган тартибда Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори лойиҳасини тасдиқлаш учун киритсин.

"Обод қишлоқ" дастури доирасида марказлашган манбалар ва маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан бажариладиган ишлар бўйича бюртмачи этиб Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликларининг "Йгона бюртмачи хизмати" инжиниринг компаниялари белгилансин.

Барча объектлар бўйича бош лойиҳачи ва пудратчи ташкилотларни энг мақбул тақлифлар танлови орқали аниқлашга руҳлат берилсин.

Мазкур танловларни ташкил этиш, жараёнларни назорат қилиш ва уларнинг самарадорлигини таъминлаш учун шахсий жавобгарлик "Давархитектқурилиш" қўмитаси раиси Б. Закиров, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар

Бошланғичи 1-бета

Кенгаши раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари зиммасига юклансин.

5. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва туман (шаҳар) ҳокимликлари ва сектор раҳбарлари дастурни амалга ошириш доирасида қамраб олинмаган жорий ва келгуси даврларга мўлжалланган қишлоқ ва маҳаллаларнинг манзилли рўйхатларини Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси ва Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тасдиқлаш учун қўйидаги қатъий шартлар асосида шакллантиришни таъминласинлар:

ҳар бир қишлоқ кесимида туман (шаҳар) ҳудудий ташкилотлари билан биргаликда мўлжалланаётган кенг қўламли ишларни ташкил этиш ва бошқариш юзасидан тезкор махсус штабларни жорий этиш, шу жумладан, ишларни ҳашар ва ҳўжалик усулида бажаришни таъминлаш, янги иш ўринларини ташкил этиш, молиялаштириладиган қисим бўйича мавжуд барча имкониятларни жалб этиш, шу жумладан, солиқ йиғувчанлигини ошириш ва қўшимча аниқланадиган манбалардан маҳаллий бюджет даромадини ошириш;

архитектура, санитария ва техник талаблар асосида шахсий мулк эгалари ўз уй-жойини сақлаш, мавжуд томорқалардан унумли фойдаланиш, ер ва мол-мулк солиқларини ҳамда кўрсатилган коммунал хизматлар учун ҳисоб-китоб қилиш ва қарздорликка йўл қўймаслик, ҳашарларда фуқароларнинг бевосита шахсий иштирокини акс эттирувчи жамоа шартномаларини тузиш.

6. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, "Давергеодезкадастр" қўмитаси ва "Давархитектқурилиш" қўмитаси ҳузуридаги Давлат архитектура-қурилиш назорати инспекция-

си уй-жой, бино-иншоотлар ва томорқа ҳўжаликлари мулкдорлари томонидан амалдаги талаб ва қоидалар бузилиши ва уларга риоя этмаслик ҳолатларига йўл қўйилган тақдирда, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига мувофиқ тегишли чоралар кўрсинлар.

7. Белгилаб қўйилсинки, "Обод қишлоқ" дастурига киритилган объектларни сифатли ва арзон қурилиш материаллари билан таъминлаш мақсадида металл прокати, цемент, нуруда материаллари, гишт, темир-бетон маҳсулотлари, эшик, дераза ромлари, лок-бўёк, шифер ва шу каби бошқа асосий турдаги маҳаллий қурилиш материалларини ишлаб чиқариш учун корхоналарга газ ва электр энергияси 2018 йил 1 майдан бошлаб "Ўзтрансгаз" АЖ ва "Ўзбекэнерго" АЖ томонидан аҳоли учун белгиланган нархларда етказиб берилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, "Ўзметкомбинат" АЖ, "Ўзқурилишматериаллари" АЖ, бошқа тегишли вазирлик, идора ва ҳўжалик бирлашмалари билан биргаликда цемент, металл прокати, гишт, темир-бетон буюмлари, эшик, дераза ромлари, лок-бўёк маҳсулотлари каби асосий турдаги маҳаллий қурилиш материаллари ва жиҳозларини етказиб бериш учун фирма дўконлари тармоқларини ташкил этиш чораларини кўрсинлар.

9. Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари, тегишли лойиҳа институтлари билан биргаликда:

"Обод қишлоқ" дастурига киритилган қишлоқ аҳоли пунктларининг бош режаларини батафсил режалаштириш лойиҳалари билан биргаликда олдиндан ишлаб чиқишни;

2019 йил 1 январга қадар қишлоқ аҳоли пунктлари меъ-

морий қиёфасини яхшилаш тизимини такомиллаштириш мақсадида шаҳарсозлик меъёр ва қоидаларига ўзгартиришлар киритиш, зарур ҳолларда янги стандарт ва мезонларни ишлаб чиқишни;

ҳар бир объект бўйича лойиҳа-смета ҳужжатларининг давлат экспертизасидан ўтказилиши ва қурилиш-монтаж ишларининг сифатли бажарилиши юзасидан давлат архитектура-қурилиш назорати ўрнатилишини таъминласин.

Белгилаб қўйилсинки, "Обод қишлоқ" дастурига киритилган қишлоқ аҳоли пунктлари бош режаси ва батафсил режалаштириш лойиҳасини ишлаб чиқиш билан боғлиқ харажатлар маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

10. Ўзбекистон Миллий телерадиоконпанияси, Миллий ахборот агентлиги, Маълумот ва ахборот агентлигига барча турдаги оммавий ахборот воситалари билан биргаликда "Обод қишлоқ" дастури доирасида қишлоқ аҳоли пунктларида, айниқса, чекка ва олис ҳудудларда амалга оширилаётган кенг қўламли қурилиш ва ободонлаштириш ишларини батафсил ёритиб бориш ва кенг ҳақ оммаси орасида тарғиб қилиш тавсия этилсин.

11. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Т. А. Худайберганов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2018 йил 29 март

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

«ОБОД ҚИШЛОҚ» ДАСТУРИНИ 2018 ЙИЛДА АМАЛГА ОШИРИШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 мартдаги "Обод қишлоқ" дастури тўғрисида"ги Фармони ижросини таъминлаш, қишлоқ аҳоли пунктларининг меъморий қиёфасини тубдан янгилаш, ҳудудларни комплекс ривожлантириш, йўл-транспорт инфратузилмаси, муҳандислик-коммунал хизматлари ва ижтимоий соҳа объектларини барпо этиш ҳамда шу асосда аҳолининг турмуш маданиятини юксалтириш мақсадида:

1. Қўйидагилар:
"Обод қишлоқ" дастурининг 2018 йил учун мўлжалланган мақсадли параметрлари ҳамда дастур доирасида 2018 йилда амалга оширилаётган қурилиш ва ободонлаштириш ишларининг асосий кўрсаткичлари 1 ва 2-иловаларга мувофиқ;

"Обод қишлоқ" дастури доирасида 2018 йилда амалга оширилаётган қурилиш ва ободонлаштириш ишларининг молиявий кўрсаткичлари 3-иловага мувофиқ;

"Обод қишлоқ" дастури доирасида ишлаб чиқариш корхоналарига табиий газ ва электр энергиясини аҳоли учун белгиланган нархларда етказиб бериш преференциялари таътиб этиладиган асосий турдаги қурилиш материаллари рўйхати 4-иловага мувофиқ;

"Обод қишлоқ" дастури асосида ишлари учун туман ва шаҳар ҳокимликлари ҳузурида ташкил этиладиган махсус штабларнинг намунавий таркиби 5-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. "Обод қишлоқ" дастури асосида ишлари учун мувофиқлаштириш бўйича Республика комиссияси (кейинги ўринларда Республика комиссияси деб аталади) 6-иловага мувофиқ таркибда тузилсин ҳамда унинг асосий вазифалари этиб қўйидагилар белгилансин:

дастурда иштирок этаётган вазирлик, идора, ҳўжалик бирлашмалари ва маҳаллий ҳокимликлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва ўзаро ҳамкорлигини таъминлаш, шунингдек, юзага келган муаммолар масалаларни ҳал этиш;

қурилиш ва ободонлаштириш ишлари бўйича белгиланган параметрлар ижросини ўз вақтида ва тўлиқ таъминлаш юзасидан тизимли мониторинг юритиш;

келгуси йиллар учун "Обод қишлоқ" дастурини тайёрлаш, қурилиш ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилаётган қишлоқ аҳоли пунктлари рўйхатини шакллантириш ва дастур параметрларини ишлаб чиқиш;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Обод қишлоқ» дастури тўғрисида»ги Фармони ва «Обод қишлоқ» дастури 2018 йилда амалга ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига шарҳ

Энг аввало, республикамиз аҳолисининг салкам ярмиси қишлоқ ҳудудларда яшаб келаётганлиги ҳамда уларнинг фидокорона меҳнати, деҳқон, фермер, чорвадор ва миришкорларнинг сая-ҳақида қурилиш натижасида дастурхонимиз мўл-қўл бўлаётгани "Обод қишлоқ" дастурининг қабул қилинишида асосий омил бўлганлигини таъкидлаб ўтиш зарур.

Сўнгги йилларда вилоят ва туманлар марказларида ободонлаштириш ва марказий қўчаларнинг меъморий қиёфасини янгилаш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Қишлоқ аҳолиси учун янгиланган намунавий лойиҳалар асосида арзон уй-жойлар қурилаётгани, хусусан, 2017 йилда қишлоқ жойларда 18 мингдан ортиқ оила учун ижтимоий ва муҳандислик инфратузилмасига эга шинам уйлар барпо этилгани шулар жумласидан.

Аммо ташрифлар давомида олис ва чекка ҳудудларда истикомат қилувчи аҳолидан келиб тушаётган ҳақоний эътирозлар ва мурожаатлар шундан далолат берадики, аҳолининг уй-жой ва маиший шaroитларини яратиш борасида айрим муаммолар сақланиб қолмоқда.

Жумладан, маҳаллий ҳокимликлар ва хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари раҳбарларининг масъулиятсизлиги оқибатида уй-жой фонди йиллар давомида таъмирланмасдан, том қўсимлари ва ташқи қиёфаси мутлақо талабга жавоб бeрмайдиган аҳолга келиб қолган.

Бундан ташқари, қишлоқ аҳоли пунктларида электр тармоқлари ва трансформаторлардаги авариялар электр таъминоти тармоқларида қўлаб узулишларни келтириб чиқармоқда, шунингдек, суылотилган газ баллонларининг етишмаслиги қузатишмоқда.

Кейинги долзарб муаммолардан бири

шуки, ҳудудларда автомобил йўллари таъмирлаш ва сақлаш ишлари сифатсиз олиб бoрилмоқда, ичимлик суви қуурлари ва иншоотлари яроқсиз аҳолга келиб қолган ҳамда оқова иншоотлари санитария талабларига жавоб бeрмайди.

Яна шунини таъкидлаш зарурки, аҳолининг айрим қисми шундай аҳолга қўйилган, боқимандалик кайфиятига берилгани натижасида ўзининг уй-жойи, ҳовлиси ва томорқасини сақлашга эътибор қаратмай қўйган.

Мазкур ишлар сектор раҳбарлари, маҳалла фуқаролар йиғинлари, хотин-қизлар кўмиталари ва Ёшлар иттифоқининг ҳудудий бўғинлари эътиборидан четда қолгани юқорида кайд этилган муаммо ва камчиликларнинг асосини ташкил этади.

Шу билан бирга, жойлардаги фаоллар ташаббуси билан эмас, балки ҳудудларда аъёнаний бўлиб қолган ҳашарларнинг фақатгина "ҳўжаўрсин" учун байрам кунларига яқин саналарда юзаки ўтказиш одат тусига айланиб қолмоқда.

Албатта, бундай ҳолатлар ҳеч қимни, айниқса, мазкур ҳудудларда яшаётган аҳолининг барча қатламларини қониқтирмайди. Ушбу вазиятни тубдан ўзгартириш ҳамда аҳолининг турмуш даражасини янада яхшилаш мақсадида қуйидагилар, ишлаб чиқилган дастурнинг асосий мақсадлари этиб белгиланган.

Жорий йилнинг 1 апрелидан бошлаб республиканинг ҳар бир туман ва шаҳрида, аввало, олис ва табиий иқлим шaroити оғир ҳудудларда 2018 йилда 2 тадан ва келгуси йилларда 3 тадан қишлоқда (маҳаллада) аҳолининг яшаш шaroитларини босқичма-босқич тубдан яхшилаш, турмуш тарзи ва даражасида

Кенгаши раиси, вилоятлар ҳокимликлари, вазирлик, идора ва ташкилотлар – бюртмачиларнинг тақлифлари асосида тасдиқланган дастурнинг тегишли параметрларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш, шунингдек, бажариладиган иш турлари ва ҳажмлари ҳамда молиялаштириш манбаларига келишилган ҳолда аниқлик киритиш.

Вазирлар Маҳкамасининг Ҳудудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш масалалари ахборот-таҳлил департаменти Республика комиссиясининг Ишчи органи этиб белгилансин ҳамда унга келгуси йиллар учун "Обод қишлоқ" дастури асосида ишлаб чиқиш, қурилиш ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилаётган қишлоқ аҳоли пунктлари рўйхатини шакллантириш ва дастур параметрларини ишлаб чиқиш вазифаси юклансин.

Республика комиссияси (А. Ж. Раматов) Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Обод қишлоқ" дастури тўғрисида"ги Фармонидан келиб чиқиб, ўн кун муддатда маҳаллий ҳокимликлар ва тегишли вазирлик (идора)лар томонидан ишлаб чиқилган ҳамда Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси, Иқтисодиёт вазирлиги ва Молия вазирлиги билан келишилган туман ва қишлоқлар кесимидаги манзилли рўйхатларни тасдиқласин.

3. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси, Молия вазирлиги Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари, бошқа тегишли вазирлик ва идоралар билан биргаликда келгуси йил Ўзбекистон Республикасининг ривожланиш дастури параметрларини шакллантиришда "Обод қишлоқ" дастури доирасида 2019 йилда амалга оширилаётган қурилиш ва ободонлаштириш ишлари учун зарур марказлашган капитал қўйималар лимитини кўзда тутиш.

4. Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, Автомобиль йўллари давлат қўмитаси, "Ўзбекэнерго" АЖ ва "Ўзтрансгаз" АЖ "Обод қишлоқ" дастурига киритилган қишлоқ аҳоли пунктларида ижтимоий соҳа объектлари, йўл-транспорт инфратузилмаси ва муҳандислик коммуникациялари қурилишига халқроқ молия институтларининг кредит маблағларини жалб қилиш учун лойиҳанинг молиявий-иқтисодий ҳисоботини (лоийҳаолди ҳужжатини) ўн беш кун муддатда тайёрлаб, Ин-

вестициялар бўйича давлат қўмитасига тақдим этсин.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари – Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси раиси С. Р. Холмуродов вазирлик, идора ва ҳўжалик бирлашмалари томонидан тақдим этилган лойиҳаларнинг молиявий-иқтисодий ҳисоботлари (лоийҳаолди ҳужжатлари) асосида "Обод қишлоқ" дастури асосида ишлари учун мўлжалланган махсус штабларни шакллантириш, уларнинг фаолиятини йўлга қўйсин, шунингдек, ҳар бир объект кесимида тармоқ ҳадваларини тасдиқласин ва мониторинг натижаларини ҳар ой якуни билан Республика комиссиясига тақдим этиб бoрсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, "Ўзметкомбинат" АЖ, "Ўзқурилишматериаллари" АЖ, бошқа тегишли вазирлик, идора ва ҳўжалик бирлашмалари "Обод қишлоқ" дастури доирасида қишлоқ аҳоли пунктларида қурилиш ва ободонлаштириш ишларини бажариш учун тасдиқланган лойиҳа-смета ҳужжатларига мувофиқ асосий турдаги маҳаллий қурилиш материаллари, буюмлари ва жиҳозлари билан узлуқсиз таъминлаш чораларини кўрсин.

"Ўзқурилишматериаллари" АЖ, "Ўзметкомбинат" АЖ, "Ўзбекнефтгаз" АЖ, "Ўзмахсусомтажқурилиш" АҚ, "Ўзэлтехсаноат" АҚ, таркибиди қурилиш материаллари ва жиҳозлари ишлаб чиқарувчи корхоналар мавжуд бўлган ҳўжалик бирлашмалари Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари ва сектор раҳбарлари билан биргаликда "Обод қишлоқ" дастурига киритилган қишлоқ аҳоли пунктларида қурилиш ва ободонлаштириш ишларини бажаришга маҳаллий қурилиш материаллари, буюмлари ва жиҳозларини етказиб бериш учун жойларда савдо шoҳoбчалари – корхоналарнинг фирма дўконлари ва филиалларини комплекс тарзда ташкил этсин.

7. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари, секторлар

раҳбарлари Ўзбекистон Республикаси "Давергеодезкадастр" қўмитаси, "Давархитектқурилиш" қўмитаси, Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, Сув ҳўжалиги вазирлиги, Давлат автомобиль йўллари қўмитаси, "Ўзбекэнерго" АЖ, "Ўзтрансгаз" АЖ, бошқа тегишли идора ва ташкилотлар билан биргаликда бир ой муддатда "Обод қишлоқ" дастурига киритилган қишлоқ аҳоли пунктларини хатловдан ўтказиб, уларнинг натижаларига кўра:

мавжуд уй-жойлар, бино-иншоотлар, инфратузилма объектлари, йўл-транспорт ва муҳандислик коммуникацияларининг техник ҳолатини ўргансин ҳамда шу асосда уларда қурилиш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш ишлари бажарилишини;

техник талабларга жавоб бeрмайдиган ёки ноконуний равишда қурилган бино-иншоотлар ва қурилмаларнинг бузилишини;

ўзбoшимчилик билан эгзалаб олинган ер майдонлари туман ҳокимликларининг ер захира фондларига олинишини таъминласин.

8. Ўзбекистон Республикаси Давлат автомобиль йўллари қўмитаси "Обод қишлоқ" дастури доирасида туман марказидан қишлоқларгача бўлган йўллари, қишлоқларнинг марказий қўчаларини ва асфальт билан қопланган йўллари таъмирлаш, қишлоқларнинг асфальт қопламасиз ички йўлларига қўш-шағал қоршиш ётқизиш ва пидедалар йўлакларига бетон қоплаш ётқизиш н назарда тутовчи лойиҳа ечимлари асосида амалга оширсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва туман (шаҳар)лар ҳокимлари ҳамда секторлар раҳбарлари билан биргаликда "Обод қишлоқ" дастурига киритилган қишлоқ аҳоли пунктларида мавжуд кўп хонадонли уй-жой фондини яхшилаш, умумфойдаланув қисмлари ва майдонларини (фасад, подьезд, зина майдонлари, том, ертўла, тротуар, болалар майдончалари) таъмирлаш, маиший инфратузилма объектларини (ташқи санитария тармоқлари, тандирихона) жойлаштириш ҳамда атроф ҳудудини тартибга келтириш бўйича намунавий талабларни (эскиз лойиҳасини) ишлаб чиқиш, ишларни шу асосда амалга оширишни таъминласин.

Ўзбекистон Республикаси "Давархитектқурилиш" қўмитаси, Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги Қорақалпоғистон Республикаси

Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари ва сектор раҳбарлари билан биргаликда ҳар бир хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари учун алоҳида лойиҳа ташкилотларини бириктириб, улар томонидан кўп хонадонли уй-жой фондини яхшилаш, ташқи қиёфасини тартибга келтириш, умумфойдаланув қисмлари ва майдонларини таъмирлаш, маиший инфратузилма объектларини жойлаштириш ҳамда атроф ҳудудини ободонлаштириш бўйича лойиҳалар ишлаб чиқилишини таъминласин.

10. Ўзбекистон Республикаси Давлат экология қўмитаси ҳудудий "Тоза ҳудуд" ДУҚлар билан биргаликда "Обод қишлоқ" дастурига киритилган қишлоқ аҳоли пунктларида чикинди йиғиш пунктларини барпо этиб, тизимли равишда чикиндиларни йиғиш, олиб кетиш ва утилизация қилиш ишларини ташкил қилиш ҳамда мазкур ишларни бажарадиган корхоналарни зарур транспорт воситалари, техника ва машина-механизмлар билан таъминлаш юзасидан чоралар кўрсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва туманлар ҳокимликлари, секторлар раҳбарлари, ҳўжалик бирлашмалари, корхона ва ташкилотлар билан биргаликда "Обод қишлоқ" дастурига киритилган қишлоқ аҳоли пунктларида янги иш ўринлари яратиш ва аҳолининг иш билан бандлиги оширилишини таъминласин.

Бунда мавжуд захира ва имкониятлардан самарали фойдаланиш, бўш турган бино-иншоотларда ишлаб чиқариш ва инфратузилма объектларини ташкил этиш, ижтимоий соҳа ва бозор инфратузилмаси объектларини қуриш ва таъмирлаш, шунингдек, аҳолига хизмат кўрсатиш ва сервис шoҳoбчаларини барпо этиш ҳамда уларнинг тармоқларини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилсин.

12. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Н. Арипов, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари А. Ж. Раматов, Бош вазир ўринбосарлари Ж. А. Қўчқоров ва С. Р. Холмуродов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2018 йил 29 март

танловларни оқилона ташкил этиш, уларнинг ўтказиш жараёнини назоратта олиш ва бу борада самарадорликка эришилишни таъминлаш мақсадида қабул қилинган ушбу ҳужжатда Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси ҳамда маҳаллий ижро етвучи ҳокимият органлари раҳбарларининг масъулиги қатъий белгиланб қўйилган.

Зарур моддий-техника ресурсларини жамлаш мақсадида маҳаллий ишлаб чиқариш корхоналари томонидан цемент, металлопрокат, гишт, том ёпиш маҳсулотлари, темир-бетон буюмлари, эшик, дераза ромлари, лок-бўёк каби асосий турдаги маҳаллий қурилиш материаллари ва жиҳозларини етказиб бериш учун ҳар бир аҳоли пунктида фирма дўконларини ташкил этиш кўзда тутилган.

Уй-жойларни таъмирлашда хонадон эгаларига амалий ёрдам кўрсатиш, аввало, уларнинг арзон ва сифатли қурилиш материаллари билан марказлашган ҳолда таъминлаш, ишлаб чиқарувчилар учун электр энергияси ва газ етказиб беришда преференциялар назарда тутилган.

Дастури асосида ишлари билан боғлиқ ишларни оқилона ташкил этиш юзасидан манфаатдор вазирлик ва идоралар раҳбарларидан иборат таркибда доимий равишда фаолият кўрсатадиган Республика комиссияси ташкил этилган.

Ҳар бир қишлоқ кесимида туман (шаҳар) ҳудудий ташкилотлари билан биргаликда мўлжалланаётган кенг қўламли ишларни ташкил этиш ва бошқариш юзасидан тумандаги сектор раҳбарлари бошчилигида махсус штабларни жорий этиш, жумладан, ушбу штабларга ишларни ҳашар ва ҳўжалик усулида бажаришни таъминлаш, янги иш

ўринларини ташкил этиш, молиялаштириладиган ишлар бўйича мавжуд барча имкониятларни жалб этиш, хусусан, солиқ йиғувчанлигини ошириш ва қўшимча аниқланадиган манбалардан маҳаллий бюджет даромадини қўлайтириш каби вазифалар юкланган.

Кайд этилган тизимларга архитектура, санитария ва техник талаблар асосида шахсий мулк эгалари ўз уй-жойини сақлаш, мавжуд томорқалардан унумли фойдаланиш, ер ва мол-мулк солиқларини ҳамда кўрсатилган коммунал хизматлар уч

Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак.

Шавкат МИРЗИЁЕВ

Давлат хизматлари тушунчасининг ҳаётимизга кириб келганига унчалик кўп вақт бўлгани йўқ. Бу авваллари давлат хизматлари кўрсатилмаган, дегани эмас. Давлат хизматлари ҳамма вақт ҳам турлича кўриниш ва маз-

мунда кўрсатилиб келинган. Бироқ, масаланинг моҳияти бундай хизматларнинг сифати қандай бўлганлиги ва бу жараёнлар одамларни қаноатлантирган ёки йўқлиги билан баҳоланади.

БОШ МЕЗОН — ҚУЛАЙЛИК, ТЕЗКОРЛИК ВА ШАФФОФЛИК

Бугун Давлат хизматлари агентлиги тузилмалари томонидан тадбиркорлик субъектларига давлат органлари фаолияти билан боғлиқ 37 турдаги хизматлар кўрсатишмоқда. Жорий йилнинг 1 апрелидан бошлаб эса бундай хизматлар жисмоний шахсларга ҳам кўрсатилади ва уларнинг сони яна 13 тага кўпаяди. Хусусан, муҳандислик-коммуникация тармоқларига "тайёр ҳолда" улашиш, бино ва иншоотларнинг ташқи кўринишини ўзгариштиришни (фасадини таъмирлашни) қилишиш, объектни қайта ихтисослаштириш ва реконструкция қилишга рухсат бериш, архитектура-режалаштириш топшириғини ишлаб чиқиш, лойиҳа ҳужжатларини қилишиш, қурилиш-монтаж ишларини амалга оширишга рухсат бериш, яқна тартибда уй-жой қуришга (реконструкция қилишга) рухсат бериш, қурилиш тугалланган (реконструкция қилинган) объектни фойдаланишга қабул қилиш, ўрмон фондида қирмайдиган дархат ва буталарни қесишга рухсат бериш, сувдан махсус фойдаланиш ёки сувни махсус истеъмол қилиш учун, ўсимлик дунёси объектларидан махсус фойдаланишга рухсат бериш, болаларни давлат мактабгача таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича ариза тақдим этиш, фуқарони жамғариб бориладиган пенсия

таъминоти ҳисобга қўйиш каби давлат хизматлари фақат туман (шаҳар) Давлат хизматлари марказлари томонидан амалга оширилади. Президентимизнинг 2017 йил 12 декабрдаги Фармони билан 2018-2020 йилларда босқичма-босқич жорий этиладиган, "Ягона дарча" тамойили бўйича фақат Давлат хизматлари марказлари орқали кўрсатиладиган кўшимча давлат хизматлари рўйхати (ФХД) ва нотариат органлари томонидан архив ҳужжатларини бериш, турган жойи бўйича прописка қилиш, пропискадан чиқариш, ҳисобга олиш, электр энергияси, табиий газ, сувни ҳисобга олиш (ҳисоблагич) ускунасини ўрнатилган ариза бериш в.х.к) тасдиқланган бўлиб, ушбу хизматларнинг белгиланган тартибларга мувофиқ кўрсатилишини таъминлаш фуқаролар учун жуда катта қулайликларни яратди.

Давлат хизматлари кўрсатиш борасида янгича услубда фаолият юритишни тизимга ўттирдан кўзланган мақсад фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларига шундай хизматларни кўрсатишда давлат органлари ва бошқа ташкилотлар билан муносабат этиш учун жуда катта қулайликларни яратди.

Албатта, ушбу жараён илгор

ахборот-алоқа технологияларини интернет тармоғи ва электрон рақамли имёлар кенг қўлланилишини тақозо этиб, маълумотлар алмашинуви жараёнини такомиллаштириш ва тезлаштириш мақсадида ваколатли давлат органлари ҳамда бошқа ташкилотлар маълумотлар базаларини идораларо электрон ҳамкорлик ягона тизимига интеграция қилинганлиги билан муҳим аҳамият касб этади.

Шунингдек, янги тизимнинг афзаллиги сифатида шу кунгача давом этиб келаётган айрим давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятидаги маъжуд бўлган ва одамларнинг норозилигини келтириб чиқараётган соатлаб ва кунлаб навбат қутишлар, орқалар молиявий харажатлар, айрим ҳолларда эса коррупция ва бюрократия ҳолатларида барҳам беришга қаратилган кескин чоралар тадбирлар белгиланганлигини кўрсатиш мумкин.

Мазкур Фармон ижросини таъминлаш мақсадида жорий йил 31 январда Вазирлар Маҳкамасининг 70-сонли қарори қабул қилиниб, Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги ва унинг ҳудудий органларининг мақоми, асосий вазибалари, функциялари, ҳуқуқлари ва мажбуриятлари, фаолиятининг ташкилий асослари, шунингдек, унинг

раҳбарларининг функционал мажбуриятлари ва жавобгарлиги белгилаб қўйилди.

Мазкур ҳужжатларга асосан Тошкент вилоятида ҳам Агентликнинг бошқармаси ва 22 та туман (шаҳар) ларда эса Давлат хизматлари марказлари ташкил қилиниб, фаолият юритиб келмоқда. Бугунги кунда бошқарма ва марказлар фаолиятида ташкилий жараёнлар давом этаётган, жойлардаги ҳокимликлар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари ва бошқа идоралар билан самарали ҳамкорлик йўлга қўйилган. Айниқса, вилоятнинг олис ҳудудларига чиқиб, фуқароларга қулайлик яратиш мақсадида сайёр ("мобиль" давлат хизматлари) хизматлар кўрсатиш учун ҳар бир туман ва шаҳар марказларига вилоят ҳокимлиги томонидан автомашиналар харид қилинаётганлиги ҳамда замонавий бинолар қурилиши учун ер майдонларини ажратиш бериш чоралари қўрилганлиги алоҳида эътироф этиш зарур.

Жорий йилнинг ўтган вақти мобайнида соҳага оид қонун ҳужжатларининг мазмун-моҳиятини аҳолига етказиш мақсадида жойларда кўпгина учрашувлар ўтказилди, оммавий ахборот воситаларида чиқишлар қилиниб, аҳоли гавжум ҳудудларда реклама во-

ситалари жойлаштирилиб, фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларига флаер ва буклетлар тарқатилди.

Қўйилган вазибалар ижросини сўзсиз таъминлаш мақсадида Давлат хизматлари агентлигининг вилоят бошқармасига давлат хизматлари кўрсатувчи давлат органлари ва бошқа ташкилотлар фаолиятини қонун ҳужжатлари ва маъмурий регламентлар талабларига риоя этилиши нуктаи назардан текшириш, улар раҳбарларига аниқланган қонун бузилишлари, уларга имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш ҳақида қўриб чиқилиши мажбурий бўлган тақдирда номуналар киритиш, давлат хизматлари кўрсатиш соҳасида қонун ҳужжатлари бузилишига йўл қўймаслик ҳақида мансабдор шахсларни ёзма равишда огоҳлантириш ва давлат хизматлари кўрсатиш соҳасида қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан мониторинг олиб бориш ва назорат қилиш каби қатор ҳуқуқлар ҳам берилган.

Хусусан, давлат хизматлари кўрсатиш бўйича белгиланган тартиб-қоидаларни бузилишига йўл қўйган 8 та давлат органи ва бошқа ташкилотлар раҳбарларига тақдирнома билан қўриқилди, 29 нафар маъсул ходимлар расман огоҳлантирилди.

Бугун бугун фаолиятимиз давлат хизматлари кўрсатиш соҳасида уларнинг сифати, тезкорлиги, шаффофлиги ва фойдаланиш имкониятини тубдан ошириш орқали "Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак", деган улуғвор ғояни сўзсиз амалга оширишга йўналтирилган.

Хайриддин ФАЙЗИЕВ,
Адлия вазирлиги
ҳузуридаги
Давлат хизматлари
агентлиги вилоят
бошқармаси бошлиғи

2018 йил — Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили

СИФАТ ВА САМАРАДОРЛИК ОМИЛИ

Бугун бугун дунёда ишлаб чиқариш жараёнида маҳсулот таннари ва сифати рақобатбардошлигининг муҳим шарти саналади. Уни шакллантириш эса бевосита энергия ресурслари сарфи билан боғлиқдир.

Негаки, бозор иқтисодиётининг бош мезонларидан бири рақобатдир. Муайян маҳсулотга бўлган талабни бир маромда ўшлаб туриш, табиийки, тадбиркор учун ҳеч вақт осон бўлмаган. Бунга эришиш ишлаб чиқарувчидан мутасил изланишни, интилувчанликни талаб этади. Соддароқ қилиб айтганда, сотув баҳоси деярли ўсмаган ҳолда, таркиби, ҳажми, истеъмолга яроқлилиги, сифати ва бошқа мезонлари харидор фойдасига ўзгара бошлаган маҳсулотгина бозордан мустақам ўрин олади. Бугунги куннинг мана шу табиий ва ҳаётий талабига таяниб иш қўрган корхона асло ютқазмайди. Маҳсулот таннарини шакллантириш эса энергия ресурслари сарфи билан бевосита боғлиқдир.

Мамлакатимизда 2018 йилга "Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили", дея ном берилишининг замирида ҳам мана шу муҳим омилларга эришиш кўзда тутилган, десак янглишмаймиз.

Бинобарин, инновацион ғояларни қўллаб-қувватлаш сиёсатининг ўзига хос хусусияти маҳаллий хом ашё ресурсларини чуқур қайта ишлашни таъминлайдиган, юқори технологияли ишлаб чиқаришларни ташкил этишдан иборатдир. Бугун саноат тармоқларини ана шундай замонавий ва илгор технологияларга асосланган ҳолда модернизациялаш, уларни айланик, ёқилғи-энергетика ресурслари сарфи борасида тежамкор ускуналар билан жиҳозлашга қаратилган истикболли лойиҳалар рўёби ички бозорларни ўзимизда ишлаб чиқарилган хилма-хил маҳсулотлар билан тўлдириш баробарида мамлакатимизнинг табиий бойликларидан оқилона фойдаланиш имконини ҳам беради.

Афсуски, бугун кўпгина корхоналарда маънавий эскирган ва ностандарт қурилмалардан фойдаланиш, уларнинг назорат-ўлчов асбоблари билан таъминланмаганлиги, қўлбола газ ёндиргичларидан фойдаланиш, асбоб-ускуналарни қийсий қўриқ ва соловдан ўтказмаслик натижасида табиий газнинг беҳуда исроф бўлиши ҳолатлари кузатишмоқда. Бунини, айниқса, лишган ғиш ишлаб чиқариш корхоналари миқсолида қўриқ мумкин.

Масалан, шундай корхоналарда печларнинг ёниш жараёнини автоматик тизимга ўтказиш орқали 2 фоизгача, маҳсулотни қуришти, қиздириш жараёнида керакли хароратни бир маромда бўлишини назорат қилиш билан 5 фоизгача, хом ашё таркибида кўмир қуқунларидан фойдаланиш орқали 10-12 фоизгача, хом ёғишни қуқуқ усулда тайёрлаш билан 15 фоизгача табиий газни иқтисод қилиш мумкинлиги ҳисоб-китоблардан маълум.

Кези келганда, "Ўздавнефтегаз инспекция"нинг вилоят бўлими мутахассислари бу борада тадбиркорларга елкадош бўлиб, уларга барча зарурий кўмак ва тавсияларни беришга тайёр эканликларини таъкидлашни истардиқ.

А. АГЗАМОВ,
"Ўздавнефтегаз инспекция"
вилоят ҳудудий бўлими
бош технологи вазибасини
бажарувчи

Интилиш

Зангиота туманидаги 44-умумтаълим мактабининг 9-синфида тахсил олаётган Далер Хайиткулов давлатимиз томонидан яратиб берилган имкониятлардан самарали фойдаланиб, ўз иқтидори, билими, интилиш ва ютуқлари билан тенгдошларига ўрнатилган кўрсаткич келатган ёшлардан биридир. У фанлардан аҳоли баҳолаб ўқиш билан бирга бокс билан шугулланиб, ўсмирлар ўртасида икки бор вилоят чемпионлигини қўлга киритган.

БАРАКАЛЛА, ДАЛЕР!

У Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи бошланғич ташкилоти томонидан "Энг фаол синф сардорлари" кўриктанловининг туман босқичида фахрли ўринни эгаллади. Шунингдек, расмийлик бўйича ҳам тинимсиз изланишлар олиб бориб, ижод намуналарини намойиш этиб келмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 21 ноябрдаги қарори билан "Мард ўғлон" Давлат мукофотининг таъсис этилгани биз, ёшларга берилаётган алоҳида эътибор ва ғамхўрликнинг яна бир намунасидир, — дейди Д. Хайиткулов. — Кўрсатилаётган бундай эътибор ва ғамхўрликка яхши ўқишимиз, спорт ва бошқа соҳалардаги ютуқ ва муваффақиятларимиз билан муносиб жавоб беришимиз керак.

Ҳа, истеъдод ўз вақтида қўллаб-қувватланса, албатта, бўй кўрсатади. Айтиш керакики, Далернинг ўз салоҳиятини намойиш этишида отаси Бахтиёр Беков, онаси Гулнора Жумаеванинг хизматлари катта, албатта. Улар фарзандидаги қизиқиш ва интилишни доимо қўллаб-қувватлаб, машгулотларга мунтазам қатнаши ва турли мусобақаларда иштирок этиши учун зарур шарт-шароитларни яратиб бераётди. Яқинда Далер Хайиткулов Олмаликда ўтказилган вилоят Наврўз байрами тадбирларидаги фаол иштироки учун Ёшлар иттифокининг туман бўлими томонидан "Фахрий ёрлик" билан тақдирланди.

Лайло ЧОРИЕВА,
Зангиота туманидаги 44-умумтаълим мактаби директорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари

«ФАРЗАНДЛАРИМИЗ ЭРТАСИДАН КЎНГЛИМИЗ ТЎҚ»

дейишмоқда Саксонота қишлоғи аҳли. Чунки...

Кунини кеча Юқори Чирчиқ тумани 2-сектор ҳудудида 35-умумтаълим мактаби биноси фойдаланишга топширилди.

— Маълумки, кейинги пайтларда мамлакатимиз ҳаётини тубдан ўзгариштиришга қаратилган кенг қўламли ислохотлар амалга ошириляпти, — деди шу муносабат билан ташкил этилган тантанали маросимда туман ҳокими У. Атемов. — Албатта, буларнинг барчаси инсон, унинг манфаатлари учун

дир. Таълим-тарбия барча соҳалар тараққиётини таъминлашга хизмат қилади, ҳамма шундай бўлиб келган. Чунки айнан шу тизимда муваффақиятларга эришилмас экан, бошқа соҳаларнинг ютуғи ҳақида гап бўлиши мумкин эмас. Шу боис, муҳтарам Президентимиз раҳнамолигида тизимни тубдан ислох қилиш, ўсиб келаётган ёш авлод тарбияси, уларнинг замонага мос ва муносиб таълим олишларини таъминлаш мақ-

садларини ифода этувчи жуда катта маънавий-маърифий аҳамиятга эга ишлар ҳаётга изчиллик билан татбиқ этилмоқда. Мазкур замонавий, ҳар томонлама талабларга жавоб берадиган янги илм масканининг фойдаланишга топширилиши ҳам ана шу юксак эътибор ва ғамхўрликнинг ёрқин намунаси, десак адашмаймиз.

— Мактабимизнинг янги биносини, кенг, энг замонавий анжомлар билан жиҳозланган

синф хоналари, жаҳон стандартларига мос компьютерлар ўрнатилган информатика хонасини қўриб, бугун вужудимда миннатдорлик ҳисси жўш ўрмоқда, — дейди жорий йилги фан олимпиадасининг вилоят босқичида 1-ўринни эгаллаган 35-мактабнинг 9-синф ўқувчиси Наргиза Шарафова.

Дарҳақиқат, давлат дастури асосида 2 миллиард 300 миллион сўм эвазига бунёд этилган 360 ўринли мактаб биносининг очилиш маросимига йиғилганларни яна бир бор ҳаяжонли онлар энтиқтирди. Тадбирда иштирок этганлар Саксонота қишлоғи аҳлига чинакам Наврўз туҳфаси бўлган мактаб биносининг қурилишини муваффақиятли адо этган "Мега Осие" маъмулият чекланган жамияти жамоасига самимий миннатдорлик билдирдилар.

Жамолiddин АБДИЕВ

Ҳамкорлик

Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси раиси маслаҳатчиси, туркиялик Содиқ Бадак вилоятимизда туризмни ривожлантириш имкониятлари ва истикболларини ўрганди.

ИМКОНИЯТ ВА ИСТИҚБОЛ

Туркиялик мутахассис вилоят ҳокимлигининг туризм масалалари бўйича маъсул ходимлари ҳамроҳлигида Туябўғчи сув омборида (Тошкент денгизи) бўлди. Бу ерга хорижий сайёҳларни жалб қилиш, келгусида замонавий туристик база яратиш каби масалалар бўйича зарур вазибалар белгилаб олинди. Шунингдек, Бекобод туманидаги "Далварзин" ов ҳўжалигида ов туризмни ташкил этиш, Охангарон тумани, Янгибод ва Лашкарак қишлоқлари тоғли ҳудудларида туризмни ривожлантириш имкониятлари ўрганилди.

Таъкидлаш жоизки, Президентимизнинг 2017 йил 5 декабрдаги "Чорвоқ" эркин туристик зонасини ташкил этиш тўғрисида"ги Фармони ижроси бўйича ушбу ҳудудда зиёрат,

экологик, этнографик, гастрономик, спорт ва даволаш-соғломлаштириш туризмни ташкил этиш ва ривожлантиришда кенг қўламли ишлар амалга оширишмоқда.

Хусусан, бу борада халқаро тажрибадан унумли фойдаланиш мақсадида хорижий давлатларнинг йирик туристик компаниялари вакиллари билан ҳамкорлик қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ана шу мақсадда апрель ойида вилоятга Туркиянинг Бурса ва Измир шаҳарлари инвесторлари келади. Улар билан "Чорвоқ" эркин туристик зонасида барпо этиладиган объектлар бўйича инвестиция тақлифларини ишлаб чиқиш ва ўзаро ҳамкорликни мустақамлаш йўлида иш олиб борилади.

Ўз мухбиримиз

Реклама ва эълонлар

Диккат, танлов!

Тошкент туманидаги маҳаллаларга жамоатчилик назорат маскани учун 2,5-2,2,5 метр ўлчамдаги алюминий профилли уйчалар етказиб бериш ва бетон асосга ўрнатилиш бўйича пудратчи ташкилотлар ўртасида танлов ўтказилди.

Танлов шартлари:
1. Дераза 3 та (1,2х1,0), эшик 1 та (2,0х0,70). Жами 20 дона. Ҳар бирининг нархи — 2 290 000 сўм;
2. Алюминий профилли уйчалар учун профнастил (черепицали) томлар етказиб бериш. Сони 20 дона, ҳар бири 7 кв.метр-дан. Нархи — 150 000 сўм.
Мурожаат учун телефон: (+99894) 619-03-79.
Буюртмачи: Тошкент тумани ободонлаштириш бошқармаси.

ТАДБИРКОР ВА САРМОЯДОРЛАР ДИҚКАТИГА!

"Ko'chmas mulk savdo xizmati" МЧЖ очик аукцион савдоларига тақлиф этади!

"Ko'chmas mulk savdo xizmati" МЧЖ томонидан ташкил этилган очик аукцион савдоларига "Global Services Sharif" МЧЖга тегишли Тошкент вилояти, Зангиота тумани, Чигатой ҚФЙ, А. Яссавий номи МФЙ, Охакчилик қўчасида жойлашган, темир йўл билан чегарадош бўлган қуйидаги мулклар чиқарилган:

1. Нотуражой 1-участка, умумий майдони 1,51 Га., бошланғич баҳоси — 6 000 000 000 сўм;
2. Нотуражой 2-участка, умумий майдони 0,71 Га., бошланғич баҳоси — 2 400 000 000 сўм.

Аукцион савдоси 2018 йил 7 май кунини соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Қорақамий-1 қўчаси, 1-А уй манзилида бўлиб ўтади. Аукцион савдосида иштирок этиш учун аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик). Савдо бўлиб ўтмас, такрорий савдолар 2018 йил 14 май, 21 май, 28 май ҳамда 4 июнь, 11 июнь ва 18 июнь кунлари бўлиб ўтади. Аризалар қабул қилиш аукцион ўтказилиши белгиланган кундан бир иш кунини олдин соат 18.00 да тўхта-тилади.

Аукцион савдосида қатнашиш учун ариза билан биргаликда қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:
— юридик шахслар учун давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, шунингдек, тўлиқ ваколатли вакилнинг аукционда қатнашиш учун расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси;
— жисмоний шахслар учун паспорт нусхаси, аукционда вакил қатнашган тақдирда расмийлаштирилган ишончнома, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси.

Савдо қолибига савдо ўтказилиш кундан бошлаб, 20 кун ичида сотувчи билан олди-сот-

идаги ҳужжатлар тақдим этилади:

— юридик шахслар учун давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, шунингдек, тўлиқ ваколатли вакилнинг аукционда қатнашиш учун расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси;
— жисмоний шахслар учун паспорт нусхаси, аукционда вакил қатнашган тақдирда расмийлаштирилган ишончнома, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси.

Савдо қолибига савдо ўтказилиш кундан бошлаб, 20 кун ичида сотувчи билан олди-сот-

ди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади.

Талабдорлар мулкнинг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини "Ko'chmas mulk savdo xizmati" МЧЖнинг ХАТБ "DAVR BANK" Олмазор филиалидаги х/р: 22604000204920609001, МФО 01121, ИНН 207122519 га савдода иштирок этиш учун ариза топширгунга қадар тўлашлари шарт. Савдода иштирок этиш учун талабномалар қабул қилинадиган манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Қорақамий-1 қўчаси, 1-А уй. Телефонлар: (0371) 228-80-27, 228-80-26, www.1kms.uz. Электрон почта: kmsxuz@inbox.uz, kmsxuz@mail.ru. Лицензия RR-0001.

Лицензия RR-0001.



собақа ва эркин кураш беллашувлари ҳам мезбонлар галабаси билан якунланди.

Баскетболда Янгийул шахри қизлари, волейболда Куйи Чирчиқ тумани қизлари ва Паркент ўғлонлари биринчилиكنи қўлга киритди.

"Умид ниҳоллари – 2018"нинг финалида кураш, таэквондо ВТФ, енгил атлетика, бадминтон бўйича ангреник ўқувчилар

жанг санъатида чинозликлар голиб бўлди.

Оғир атлетиканинг мураккаб синовларини енгиб ўтишда зангиоталик полвонларнинг тайёргарлиги пухта экани билинди. Стол теннисда Юқори Чирчиқнинг чаққон ўқувчиларига омад кулиб боқди.

Ақл гимнастикаси – шахматда бекободлик ёшларнинг қўли баланд келди.



БУЮК ИШЛАРГА БЕЛ БОҒЛАГАН АВЛОД

Вилоятимизнинг барча шахар ва туманларидан энг сара ёш спортчилар Олмалиқ шаҳридаги спорт иншоотлари мезбонлик қилган футбол, баскетбол, волейбол, гандбол, эркин ва юн-рум кураши, таэквондо ВТФ, оғир атлетика, енгил атлетика, бадминтон, стол теннис, шахмат, кураш, белбоғли кураш, ўзбек жанг санъати ҳал қилувчи баҳсларда қатнашдилар.

"Умид ниҳоллари – 2018" спорт мусобақалари вилоятимиз ёшлари ўртасида жамоавий спорт турлари бўйича олмалиқлик ўқувчилар пешқадамлигини кўрсатди. Улар гандбол, баскетбол ва футбол баҳсларида барча рақибларини мағлубиятга учратиб, голиб бўлди. Гандбол бўйича қизлар ўртасидаги му-

кайд этган натижалар ҳам мутахассислар томонидан юқори баҳоланмоқда. Миллий спорт турлари – белбоғли курашда паркентликлар, турон яккакураши бўйича тошкентликлар, ўзбек



◀ Бошланғич 1-бета

Пўлат УСМОНОВ, Ўзбекистон ўзбек жанг санъати федерацияси раиси:

– Спорт ёшларнинг онги ва маънавиятини юксалтиришга хизмат қилади. Айниқса, халқимиз учун қадри бўлган миллий спорт турлари, хусусан, ўзбек жанг санъати ҳам фарзандларимизда ҳалоллик, сабр-тоқат, камтарлик, ўзликни англаш, ирода каби бетақор фазилатларни шакллантиради. "Умид ниҳоллари – 2018" дастурига ўзбек жанг санъатининг ҳам киритилгани, айти мудоа бўлди. Чунки, ўқувчилар бу спорт турини ўзлаштириш баробарида халқимизнинг бой тарихини ҳам ўрганиб боради. Бугунги кунда мазкур спорт тури билан шугулланаётган ёшлар сафи тобора кенгаймоқда. Жумладан, Тошкент вилоятида ўзбек жанг санъатига меҳр қўйганлар сони уч минг нафардан ошди.

Рафаэль БАЛБАЕВ, "Умид ниҳоллари – 2018" мусобақаси ҳаками:

– Олимпия спорт турларидан ўрин олган спорт курашлари бўйича мамлакатимиз терма жамоаси дунёда энг кучлилар ҳисобланади. Ўзбекистон полвонлари Олимпия ва Осиё ўйинлари, қитъа ва жаҳон чемпионатларида мунтазам юқори ўринларни эгаллаб келади. "Умид ниҳоллари" мусобақаси эса мамлакатимизда етакчи курашчиларга муносиб ўринбосарлар тайёрланаётганини кўрсатди. Бугун мактаб ўқувчилари ўртасидаги беллашувларда майдонга чиққан умидли спортчилар яқин келажакда халқаро мусобақаларда ҳам юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилади.

Севара ТОШТЕМИРОВА, "Умид ниҳоллари – 2018" голибаси, Бекобод шахри:

– Ўзимни худди Олимпия ўйинларида иштирок этаётгандек ҳис қилдим. Бежизга уч босқичли тизим мусобақаларини Ўзбекистон ёшларининг "кичик Олимпиадаси", дейишмас экан. Бадий гимнастика сирасорларини мураббийим Назокат Сирожиддиновадан пухта ўрганмоқдаман. Мусобақада ўзим тайёрлаган композицияни беҳато ижро эта олдим. Бу бошланғич. Насиб қилса, катта-катта мусобақаларда ҳам зафар кучишга ҳаракат қиламан.

Бобур ЗУХРИДДИНОВ, "Умид ниҳоллари – 2018" соғириндори, Паркент тумани:

– Мусобақа жуда қизғин ўтди. Гарчи жамоамиз финалда имкониятни бой бериб, қумуш медал билан қифояланган бўлсак-да, бундан асло хафа эмасмиз. Чунки, вилоятимизнинг турли туман ва шаҳарларидан келган тенгқурларимиз билан дўстлашдик, улар билан фикр алмашдик.

ГЎЗАЛЛИК ИЛҲОМИ

Пойтахтимиздаги Ўзбекистон Тасвирий санъат галереясида таниқли рассом Римма Гаглоеванинг "Гўзаллик илҳоми" деб номланган кўргазмаси очилди.

Кўргазма

Табиат манзараларини тасвирлаш маҳорати билан танилган Римма Ильиничнанинг кўргазмадан ўрин олган юздан ортиқ асарлари мамлакатимиз мустақилликка эришганидан кейинги йилларда яратилган. Уларда рассомнинг ижодкорга хос дунёси, маҳорати, ички ҳис-ҳаяжони, меҳрини англаш мумкин.

Экспозицияда рассомнинг "Тоғларда қуз", "Тоғларда тонг", "Тоғларда оқшом", "Тоғли манзара", "Қишлоқ, Оқшом", "Сўқоқ", "Еруғ кун. Сўқоқ", "Сўқоқ, Баҳор", "Чимён. Оқшом", "Кичик Чимён", "Тумандаги Чимён", "Чимён қишлоғи", "Чимён тонг", "Чимён ёз", "Чимён. Булутли оқшом", "Сижжак. Қоялар", "Оқшом. Урунғасой", "Пском чўққиси. Тонг", "Оқшом. Нанай" каби вилоятимизнинг бетақор манзаралари акс этган қатор асарлари томошабинни мулоҳазага хорлайди, табиатга янада яқинлаштиради.

Р. Гаглоева Осетияда туғилиб, вояга етган. Ўзини Вал шахридаги билим юртида ўқиган. Кейинчалик Тошкент театр ва рассомлик институтида таҳсил олган. Кўп йиллар Тошкентдаги П. Беньков номидаги рассомлик билим юртида дарс берди.

Кўргазма намоиши жорий йилнинг 6 апрелигача давом этади.

Ҳасан АБДУНАЗАРОВ

ЭЗГУЛИК БАРДАВОМ БЎЛСИН

Мамлакатимизда аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, халқимизга сифатли тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш борасидаги ишларга "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия фонди ҳам муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.

Мурувват

Яқинда фонднинг вилоят худудий филиали тиббий ижтимоий бригада аъзолари томонидан Оққўрғон туманида яшовчи аҳоли ўртасида тиббий кўрик амалиёти ўтказилди. Ушбу хайрия тадбирида худуддаги 1 минг 850 нафар аҳоли бепул тиббий кўрикка жалб этилди.

Тадбир доирасида кам таъминланган ҳамда муҳтож оилаларга дори-дармонлар тарқатилди. Хусусан, тумандаги "Шохруҳия" маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи кам таъминланган тўрт оилага озиқ-овқат маҳсулотлари берилди. "Халқобод" маҳалла фуқаролар йиғинида истиқомат қилувчи Юлдуз Халиловага ногиронлик аравачаси топширилди.

Бундан ташқари, тумандаги "Зарафшон" ҳамда Хамид Олимжон номидаги маҳалла фуқаролар йиғинларида яшовчи Нигина Абдураимова ва Умид Оқбўтаев фонднинг бегараз ёрдами билан Германияда даволаниб қайтди.

Абдуҳамид МУСОҚОВ



Реклама ҳукуқи асосида

«ЎЗТРАНСГАЗ» АЖ Тошкент вилояти бўйича газ таъминоти ҳудудий филиали

жамоаси юртимиз аҳлини кириб келган

Навруз айёми

билан самимий муборакбод этади.

Бахт ва омад ҳамиша ҳамроҳингиз бўлсин!

Хаётингиз қувончу шодликларга тўлсин, азиз юртдошлар!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис:
Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир
Ғайрат
ШЕРАЛИЕВ

Ҳафтанинг
чоршанба ва
шанба кунлари
чиқади.
18 170 нусхада
чоп этилди

Қабулхона:
Бош муҳаррир ўринбосари:
Масъул котиб:
Бўлим муҳаррирлари
Шартнома ва эълонлар:
Ҳисоб-китоб бўлими:

Телефонлар:
233-58-85 (факс)
233-70-10
233-12-83
233-38-23, 233-48-08
233-65-59
233-54-10

Тошкент вилояти Матбуот ва
ахборот бошқармасида
2011 йил 12 январда
03-001 рақами билан
руйхатга олинган.
Газета «Тошкент ҳақиқати»
тахририяти компьютер
марказида терилди ва
саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир
Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ
Назоратчи мусаввир
Қумуш ЭГАМБЕРДИЕВА
Саҳифаловчи
Тоҳир МАҲМУДУХЎЖАЕВ